

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 145 миллиард доллардан ошиши, экспортнинг 33 миллиард долларга етиши, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши қарийб учдан бир қисмини ташкил этгани тасодиф эмас. Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий сиёсатнинг тўғри йўналтирилгани, ички ва ташқи ресурслар самарали ишга солинганини англатади.

Айниқса, **ЯИМ ҳажмининг қисқа даврда деярли 2 баробар ошиши иқтисодчилар учун муҳим сигналдир.** Чунки бу ўсиш фақат нарх омиллари ҳисобига эмас, балки реал ишлаб чиқариш, хизматлар соҳаси ва инвестиция фаоллигининг кенгайиши орқали таъминланди. Энергетика, қурилиш, саноат ва хизматлар соҳасидаги ислохотлар иқтисодий ўсишнинг кўп тармоқли ва мувозанатли бўлишига хизмат қилди.

Бу жараёнда давлатнинг роли ҳам мутлақо янгича мазмун касб этди. Давлат иқтисодиётдаги бевосита ишлаб чиқарувчи субъект сифатида эмас, балки қондалар яратувчи, бозор механизмлари ишлашини таъминловчи ва ижтимоий адолатни қафолатловчи институт сифатида намоён бўла бошлади. Солиқ юкининг пайсаятирилиши, лицензия ва рухсатнома тартиб-таомилларининг соддалаштирилиши, давлат хизматларининг рақамлаштирилиши иқтисодий фаоллик учун қулай муҳит яратди.

Шу билан бирга, трансформация жараёнида ижтимоий омил эътибордан четда қолмади. **Мурожаатномада алоҳида ургу берилган камбағалликни қисқартириш сиёсати иқтисодий ислохотларнинг инсонпарвар моҳиятини яққол кўрсатади.** Иқтисодий назарияда камбағалликни қисқартириш фақат ижтимоий харажатларни ошириш орқали эмас, балки аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозорини кенгайтириш ва даромад манбаларини диверсификация қилиш орқали самарали амалга оширилиши таъкидланади.

Маҳалла даражасида тадбиркорликни рағбатлантириш, иш ўринлари очиш, кредит ва субсидиялар орқали аҳолини иқтисодий фаолликка жалб қилиш натижасида кўплаб одамлар камбағалликдан чиқарилди. Бу эса иқтисодий ўсишнинг ижтимоий самараси борлиги, ислохотлар “қорғозда” эмас, балки одамлар ҳаётида намоён бўлаётганини англатади.

Трансформация жараёнининг яна бир муҳим жиҳати иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишдир. Кўплаб мамлакатлар тажрибасида тежор ўсиш инфляция, ташқи қарзнинг орттиши ёки молиявий бекарорликка олиб келган ҳолатлар учрайди. Юртимизда эса пул-кредит ва фискал сиёсатнинг мувофиқлаштирилган тарзда юритилиши инфляцияни жиловлаш, бюджет интизомини сақлаш ва ташқи қарзни бошқариш имконини берди. Шу нукта назардан, сўнгги тўққиз йилдаги иқтисодий трансформацияни фақат миқдорий ўсиш эмас, балки сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш деб баҳолаш мумкин. Бу жараён Мурожаатномада келгуси йиллар учун белгиланган вазифаларни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

Бугун ҳаёон иқтисодиёти бекарорлиқнинг янги дaвpига қадам қўйгани очик-ойдин сезилмоқда. Геосиёсий қарама-қаршиликлар, минтақавий низолар, санциялар сиёсати, савдо чекловлари, логистика занжирларининг узалиши ҳамда молия бозорларидаги кескин тебранишлар миллий иқтисодиётлар учун жиддий синов бўлиб турибди.

Бундай шароитда иқтисодий ўсишни сақлаб қолишдан ҳам кўра муҳимроқ вазифа макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодий иммунитетни таъминлашдир. Чунки ташқи хатарларга нисбатан чидамли бўлмаган иқтисодиёт ҳар қандай шок таъсирида ижтимоий мувозанатни йўқотиши, инфляция ва ишсизликнинг кескин ўсишига дуч келиши мумкин.

Тажриба сўнгги йиллардаги иқтисодий сиёсат айнан барқарорликни сақлашга қаратилган тизимли ёндашувга асосланганини кўрсатмоқда. ЯИМ ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда олтин-валюта захираларининг 60 миллиард доллардан ошиши мамлакатимизнинг ташқи шокларга қарши “хавфсизлик ёстиғи”ни шакллантирганини англатади. Бу захиралар нафақат миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, балки ташқи қарз хизматини ўз вақтида бажариш, стратегик импортни қафолатлаш имконини беради.

Суверен рейтингнинг “ВВ” даражасига кўтарилиши ҳам иқтисодий иммунитетнинг мустаҳкамланганлигидан далолат. Иқтисодий таҳлил нуктаи назаридан, бундай рейтинг ўзгариши давлат қарзининг камайиши, инвестициявий лойиҳалар учун узоқ муддатли ресурсларнинг кўпайиши ва мамлакатнинг халқаро молия бозорларидаги ишонч даражаси ошишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим шарт-шароит яратди.

Макроиқтисодий барқарорлиқнинг яна бир муҳим элементи ташқи савдо балансининг яхшиланишидир. **Экспорт ҳажми 23 фоиз ўсиб, 33 миллиард доллардан ошди. Бу кўрсаткич фақат миқдорий ўсиш эмас, балки ташқи бозорларда Ўзбекистон маҳсулотларига ишонч ортганини ҳам англатади.** Айниқса, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушининг ошиб бораётгани миллий иқтисодиётнинг хомашёга боғлиқликдан аста-секин чиқиб бораётганини кўрсатади.

Глобал савдо тизимида “ўйин қондалари” ўзгариб бораётган бир пайтда ташқи бозорларни диверсификация қилиш масаласи стратегик аҳамият касб этади. Ташқи иқтисодий сиёсатда айнан шу йўл танлангани, яъни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб билан ҳамкорлик қўпқилирларни барпо этишга қаратилган мувозанатли ташқи иқтисодий стратегия амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда фискал ва пул-кредит сиёсатининг уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бюджет интизомининг кучайтирилиши, харажатларнинг мақсадли йўнал-



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмита раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,



Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати кўмита раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисоди, профессор

билан белгиланади. Шу нуктаи назардан, **мамлакатимиз етакчиси илгари сурган “юқори технология ва экспортга йўналтирилган инвестор — энг ишончли ҳамкор” тамойили мутлақо тўғри стратегик ёндашув.**

Жорий йилда 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режаси қўйилди. Бу улкан рақам, аммо унинг мазмун янада муҳим. Яъни инвестициялар энергия, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилиши ва маҳаллий мутахассисларни замонавий технологияларга ўқитиш билан боғлиқ бўлиши шартлиги аниқ белгиланди. Бу эса иқтисодиётни хомашёга боғлиқ моделдан инновацион тараққиёт моделига олиб чиқишга қаратилган стратегик бурилишдир.

“Ақлли ишлаб чиқариш” сари

Эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш ва уларга етакчи брендларни жалб қилиш режаси ҳам шу мантиққа тўла мос келади. Бундай ҳудудларда халқаро стандартлар, экология ва меҳнат меъёrlарини қўллашга рухсат берилиши, махсус ҳуқуқий ва солиқ режимларининг жорий

ва технологик қарорларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва бозор назорати тизимига ўтиш режалари маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим институционал ислохотдир. Давлат назоратидан бозор назоратига ўтиш ишлаб чиқарувчиларга кўпроқ эркинлик бериш билан бирга истеъмолчилар манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Умумий қилиб айтсак, белгиланган берилган инвестиция ва технологик ўсиш сиёсати иқтисодиётни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган аниқ, пухта ҳисобланган ва илмий асосланган дастурдир. Бу сиёсатнинг муваффақияти эса давлат, бизнес ва жамият ўртасидаги ҳамкорлиқнинг қанчалик самарали йўлга қўйилишига бевосита боғлиқ.

Ижтимоий масалалар: янги ёндашувлар ва мақсадлар

Сўнгги йиллардаги ислохотларнинг энг муҳим ва энг мурраккаб йўналишларидан бири ижтимоий давлатни шакллантириш жараёнидир. Мурожаатномада камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ва

ёндашувдир. Чунки маҳалла нафақат ижтимоий институт, балки иқтисодий фаолликни ташкил этувчи, маҳаллий меҳнат бозорини шакллантирувчи муҳим платформага айланмоқда. Бу модель орқали давлат сиёсати энг кўйи бўғинига — инсоннинг қўндалик ҳаётига бевосита етиб бораётгани ислохотларнинг энг катта ютуғи.

Ижтимоий давлат концепциясининг яна бир муҳим элементи таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялардир. Шу боис, камбағал оилалар фарзандларини давлат боғчаларига қабул қилиш, инклюзив таълимни жорий этиш, тиббий хизматларни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида ургу берилди. Бу чора-тадбирлар қисқа муддатда бюджет харажатларини ошириши мумкин, аммо узоқ муддатда жамиятнинг меҳнат унумдорлиги, инновацион салоҳияти ва ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.

Халқаро тажриба инсон капиталига сарфланган ҳар бир доллар келгусида бир неча баробар иқтисодий қайтим беришини кўрсатади. Таълим, соғлиқни сақлаш ва касбий тайёргарликка йўналтирилган ресурслар айнан шу мантиққа асосланмоқда. Давлатимиз раҳбари белгиланган мақсад — аҳолини “ижтимоий ёрдам олувчи” эмас, балки “иқтисодий фаол субъект” сифатида тарбиялаш ижтимоий давлатнинг замонавий моделига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш масаласи ҳам Мурожаатномада марказий ўрин эгаллади. Ижтимоий ҳимоянинг рақамлаштирилиши, мақсадли ёрдам механизмларининг жорий этилиши давлат ресурсларининг манзилли ва самарали сарфланишига хизмат қилмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида давлат сиёсатига ишончини мустаҳкамлайди, ижтимоий келишувни кучайтиради.

Соғда қилиб айтганда, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталига қаратилган сиёсат Ўзбекистонни ижтимоий давлат сифатида шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда. Бу пойдевор эса иқтисодий ўсишни барқарор, инклюзив ва адолатли қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Аҳоли билан давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк

2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш тақдирини оддий ташкилий ёки маъмурий ташаббус сифатида баҳолаш хато бўлади. Аслида, ушбу қарор давлат ва жамият муносабатларини тубдан қайта аниқлаш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий тизимдаги ўрнини янги мазмунда белгилашга қаратилган стратегик қадамдир.

Иқтисодий назарияга кўра, жамият тараққиётининг муваффақияти кўп жиҳатдан

ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб билиши бу институтнинг жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини тасдиқлайди.

Бироқ сўнгги йилларда маҳалланинг вазифалари сезиларли даражада кенгайди. У энди фақат ижтимоий назорат ёки аънавий урф-одатлар сақловчиси эмас, балки иқтисодий фаолликни ташкил этувчи, иш ўринлари очувчи ва аҳолини даромадли қиладиган муҳим майдонга айланмоқда. Шу боис, маҳалла инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, маҳалла бюджетни ва лойиҳавий молиялаштиришни жорий этиш орқали маҳалланинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш галдаги мақсад қилиб белгиланди.

Мурожаатномада белгиланган рақамларга эътибор қаратсак, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмнинг бевосита ҳудудларга берилиши, туманлар бюджети даромадини оширишга қаратилган солиқ сиёсатининг ўзгарилиши маҳаллий иқтисодий мустақилликни кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса марказлашган тақсимотдан ҳудудий ташаббусларга таънадиган янги модель шаклланаётганини англатади.

Маҳалла даражасида лойиҳавий ёндашувни жорий этиш бюджет маблағларини самарали сарфлашнинг энг тўғри усулидир. Чунки маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири ишлаб чиққан аниқ лойиҳалар орқали маблағ ажратилиши ресурсларнинг мақсадли ва натижадор ишлатилишини таъминлайди. Бу ёндашув давлат харажатларининг ижтимоий қайтимини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, маҳаллада тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш орқали иш ўринлари очиш сиёсати камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали механизми-ларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мурожаатномада келтирилган “маҳаллада саноат ва хизмат” лойиҳалари, микролойиҳаларни молиялаштириш, имтиёзли кредитлар ажратиш каби чора-тадбирлар маҳаллий меҳнат бозорини фаоллаштиради. Бу эса аҳолининг ўз яшаш жойида иш топиши, ички миграция босимининг камайиши ва жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Маҳалланинг иқтисодий драйверга айланиши давлат бошқарувида янги масъулият ҳам тақозо этади. Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкири институти самарали ишлаши учун уларнинг малакаси, иқтисодий билими ва ташаббускорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, кадрлар тайёрлаш, маҳалла тизимдаги раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш масалаларига ҳам алоҳида ургу берилди.

Маҳалланинг ижтимоий институтдан иқтисодий тараққиёт драйверига айланиши янги Ўзбекистон моделидаги энг муҳим концептуал янгилликлардан биридир. Бу модель орқали давлат сиёсати энг кўйи бўғинида етиб бориб, ҳар бир инсон ҳаётида аниқ иқтисодий натижа бериши таъминланади.

Ҳудудлар ривожининг барқарор асоси

Иқтисодий тараққиётни ҳудудлар кесимида барқарор таъминлаш масаласи ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга. Мурожаатномада инфратузилма ва урбанизация сиёсатига кенг ўрин ажратилиши бежиз эмас. Чунки замонавий иқтисодий назарияга кўра, инфратузилма фақат йўл, сув ёки электр тармоқлари эмас, балки иқтисодий ўсишни тезлаштирадиган, ҳудудлар ўртасидаги номунотамосибликни камайтирадиган асосий капиталдир. Сўнгги йилларда айнан шу йўналишда кенг қўлламилар қилинмоқда. 210 миллион квадрат метрдан зиёд турар ва нотурар жой объектларининг фойдаланишга



ижтимоий капитал даражасига боғлиқ. Ижтимоий капитал деганда, одамлар ўртасидаги ишонч, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва жамоавий масъулият тушунилади. Бизнинг шароитда маҳалла ана шу ижтимоий капитални шакллантирувчи энг муҳим институт. Мурожаатномада келтирилган ижтимоий сўров натижалари, яъни аҳолининг 90 фоиздан ортиги

топирилгани, энергетика қувватларининг кескин оширилгани, сув таъминоти қамровини кенгайтирган инфратузилма ислохотлари мамлакатимиз иқтисодиётини “очиб юборган” муҳим омил эканини кўрсатади.

Халқ фаровонлиги йўлидаги аниқ марралар

Бошланиш 1-, 2-бетларда

Инфратузилмага йўналтирилган ҳар бир сўм инвестиция мультипликатив таъсирга эга. Яъни у фақат қурилиш соҳасида эмас, балки sanoat, хизмат кўрсатиш, савдо, логистика ва меҳнат бозорида ҳам қўшимча иқтисодий фаоллик яратлади. Уй-жой қурилиши ҳажмининг ўсиши, ипотека тизимининг кенгайиши натижасида қурилиш материаллари, мебелсозлик, электр техникаси ва сервис соҳаларида талабнинг ошиб бораётгани айнан шу иқтисодий қонуниятни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари урбанизацияга масаласига тўхталар экан, шаҳарнинг тартибсиз кенгайишининг олдини олиш, агломерацияларни белгилаш ва “барқарор шаҳар” платформасини жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Бу шаҳарларни фақат аҳоли сони жиҳатидан эмас, балки иқтисодий самарадорлик ва ҳаёт сифати нуқтаси назаридан ривожлантиришга қаратилган замонавий ёндашувдир. Чунки тартибсиз урбанизация ер ресурсларининг йўқолиши, транспорт муаммолари ва экологик босимни кучайтиради. 45 та агломерация ҳудудини белгилаш ва “яшаш учун қўлайлик индекси”ни жорий этиш орқали шаҳарларнинг ҳар бир маҳалласи кесимида муаммоларни аниқлаш ва мақсадли ечимлар ишлаб чиқиш имкони пайдо бўлади. Бу эса шаҳар бошқарувида маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиради. Бундай индекслар шаҳарларни инвестициявий жозибдор қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Энергетика инфратузилмасидаги ислохотлар ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим пойдеворларидан бири бўлди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 миллиард киловатт-соатга етказилиши sanoat ва хизматлар соҳасидаги ўсиб бораётган талабни қоплаш имконини берди. Агар бу қувватлар яратилмаганида иқтисодиёт ҳажмини икки баробар ошириш ҳақида гапиришнинг ўзи мушкул бўларди.

Сув таъминоти ва ирригация инфратузилмасидаги ислохотлар эса аҳоли ҳаётининг сифати билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мурожаатномада келтирилган 715 минг кишининг хонадонига биринчи марта тоза ичимлик сув кириб бorganи, яна миллионлаб одамнинг сув таъминоти яхшиллангани ижтимоий фаровонлик ошганини кўрсатади. Бу омиллар ҳам иқтисодий фаолликка бевосита таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, инфратузилма сиёсатининг янги жиҳати сифатида бюджет маблағларини маҳалла ва туман даражасида лойиҳавий асосда тақсимлаш механизми алоҳида қайд этиш лозим. Бу ёндашув ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номуноасобликни камайтириш, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли эҳтиёжларига яқин қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Белгилаб берилган инфратузилма ва урбанизация сиёсати иқтисодий ўсишни ҳудудий жиҳатдан мувозанатли таъминлаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни қисқартириш ҳамда аҳоли учун муносиб яшаш муҳитини яратишга қаратилган. Бу сиёсат янги Ўзбекистон иқтисодий моделида стратегик аҳамиятга эга, келгуси йилларда ўсишнинг барқарор манбаига айланиши шубҳасиз.

Меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлиги ортади

Бугун жаҳон иқтисодиётида рақобат арзон ишчи кучи ёки табиий ресурслар ҳисобидан эмас, балки билим, технология ва инновация асосида кечмоқда. Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш масаласига алоҳида устувор аҳамият берилгани айнан шу глобал тенденцияларни чуқур англаган ҳолда қабул қилинган стратегик қарор эканини кўрсатади.

Иқтисодий назарияда “Индустрия 4.0” тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, автоматлаштириш, сунъий интеллект, робототехника ва катта маълумотлардан фойдаланиш орқали меҳнат унумдорлигини кескин оширишни англатади. Sanoat тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлигини икки карра ошириш вазифаси қўйилгани Ўзбекистон ҳам айнан шу йўлдан бораётганини тасдиқлайди.

Президентимизнинг “Тўртинчи sanoat инқилоби маркази”ни ташкил этиш ташаббуси sanoat учун концептуал янгиликдир. Бу ёндашув инвестиция хавфларини камайтиради, технологик қарорларнинг самарадорлигини оширади ва бизнес учун инновацияларга киришни осонлаштиради.

Рақамлаштириш сиёсати нафақат sanoat, балки хизматлар соҳаси учун ҳам муҳим драйверга айланмоқда. АТ, финтех, сунъий интеллект каби йўналишларда маҳаллий стартапларга хорижий инвестициялар жалб қилинаётгани, АТ хизматлари экспортнинг 1 миллиард долларга етгани иқтисодиётнинг янги сегменти шаклланаётганини кўрсатади. Бу сегмент анъанавий тармоқларга нисбатан кам ресурс талаб қилади, бироқ юқори қўшилган қиймат яратлади.

“Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириш, инкубация марказларини ривожлантириш, венчур молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу қарорлар инновацион экотизимни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки стартаплар фақат янги бизнес эмас, балки янги фикрлаш тарзи, янги технология ва янги бозорлар демакдир.



Айниқса, сунъий интеллект соҳасида режалаштирилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Тошкент ва қатор вилоятларда дата-марказлар, суперкомпьютерлар ва олийгоҳларда сунъий интеллект лабораторияларининг ташкил этилиши соғлиқни сақлаш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, банк-молия ва жомаот хавфсизлиги каби соҳаларда самарадорликни кескин ошириш имконини беради. Сунъий интеллектни кенг жорий этган мамлакатлар яқин ўн йилликда рақобатда устунликка эга бўлади.

Рақамлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати давлат бошқаруви ва давлат хизматларида инсон омилини қисқартиришдир. Электрон ҳукумат, проактив хизматлар ва маълумотлар интеграцияси коррупция хавфини камайтиради, бизнес учун транзакция харажатларини пасаитиради ва қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштиради. Бу эса иқтисодий муҳитнинг шаффофлиги ва ишончини оширади.

Шу билан бирга, инновация ва рақамлаштириш инсон капиталисиз самара бермайди. Ёшларни АТ, инженерия ва юқори технологияли соҳаларга йўналтириш, таълим тизимини рақамли иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштириш вазифаларни қўйилгани бежиз эмас. Бу, иқтисодий ўсиш билан таълим сиёсати ўртасидаги узвий боғлиқликнинг ёрқин намунасиридир.

Қисқаси, инновация, рақамлаштириш ва “Индустрия 4.0” бўйича белгиланган вазифалар иқтисодиётни рақобатбардош, самарали ва келажакка йўналтирилган тизимга айлантиришга қаратилган. Бу йўлдан бориш танлов эмас, балки замон талабидир.

Инновация ва инсон капитали уйғунлиги

Иқтисодий тараққиёт тарихига назар ташласак, ҳар қандай узоқ муддатли ва барқарор ўсишнинг пойдевори инсон капитали эканини кўрамыз. Табиий ресурслар тугайди, технологиялар эскиради, аммо билим, кўникма ва тафаккурга сармоя киритган жамият доимо янгиланиш қудратига эга бўлади. Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш масаласининг алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилангани айнан шу стратегик ҳақиқатдан келиб чиқади.

Бутун дунёда меҳнат бозори тубдан ўзгармоқда. Халқаро меҳнат ташкилотига яна етакчи экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, яқин беш йилда мавжуд касбларнинг камида 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, яна 50 фоизи бўйича янги компетенциялар талаб қилинади. Бу жараён мамлакатимиз учун ҳам жиддий ҷақирӣқ, ҳам улкан имкониятидир. Чунки аҳолининг ёш таркиби, демографик ўсиш ва таълимга талаб мамлакатимизни рақобатбардош кадрлар еттиштириш бўйича устун позицияга чиқариши мумкин.

Меҳнат бозорини “касб — малака — технология — таълим”ни бирлаштирган ягона механизм сифатида қайта қуриш гоёси илгари сурилди. Бу ёндашув меҳнат бозоридagi асосий муаммолардан бири — таълим тизими билан иқтисодиёт эҳтиёжлари ўртасидаги узилишни бартараф этишга қаратилган. Айнан шу узилиш қўллаб-мамлалатларда ёшлар ишсизлиги ва малакали кадрлар етишмовчилиги муаммосини келтириб чиқаради.

Мурожаатномада 9-синф битирувчиларини касбий йўналтириш, фанларни ўзлаштириш даражаси ва қизиқишларига қараб саралаш тизимини жорий этиш таклифи жуда муҳим ислохотдир. Бу қарор ёшларни эрта босқичда ўз қобилиятига мос йўлни танлашга ундайди. Олий таълимга мажбурий равишда интилмасдан, талаб юқори бўлган амалий касбларни эгаллаш имконияти иқтисодий



нуқтаси назардан ҳам, ижтимоий адолат нуқтаси назаридан ҳам тўғри қарор.

Касбий таълим тизимининг марказий бўғини сифатида техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқиш режалари алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳар йили камиди 100 та техникумни тўлиқ модернизация қилиш, уларни Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илгор таълим дастурулари асосида қайта жиҳозлаш нафақат таълим ислохоти, балки иқтисодиётни қайта қуришдир. Чунки замонавий sanoat, қурилиш, транспорт ва сервис соҳалари айнан шундай ўрта бўғин мутахассисларига суянади.

Дуал таълим тизимининг кенгайиб бораётгани эса ўқитиш билан ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий боғлиқликни амалда таъминламоқда. Бугун 70 мингта яқин ўқувчиларни ишлаб чиқариш корхоналарида ойига 10 миллион сўмгача маош олиб ўқётгани таълимнинг иқтисодий самарадорлигига яққол мисолдир. Бу ёшлар ўқитиш тугатгандан сўнг иш қилиб сарсон бўлмайди, балки тайёр мутахассис сифатида меҳнат бозорига кириб келади.

“Илгор касбий маҳорат техникумлари” ва “Касблар шаҳарчаси”ни ташкил этиш ташаббуси меҳнат бозорини узоқ муддатли режалаштиришга хизмат қилади. Айниқса, мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, sanoat, “яшил” энергетика ва АТ каби соҳаларга эрта йўналтириш орқали касбий танловни онли қилиш мумкин. Бу эса меҳнат ресурсларининг нотўғри тақсимланиши хавфини камайтиради.

Олий таълим тизимида ҳам инсон капиталини чуқурлаштиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Жиззах политехника институтининг хорижий нуфузли университет бошқарувига ўтказилиши, Япония билан ҳамкорликда аниқ фанлар бўйича янги олийгоҳ очилиши билим сифатини халқаро стандартларга мослаштириш йўлидаги дадил қадамдир. Бу жараёнда университетлар фақат диплом беврувчи эмас, балки инновация ва технология марказларига айланиши керак.

Меҳнат бозорига ҳар йили 300 мингта яқин олий маълумотли кадр кириб келаётган шароитда битирувчилар билан иш беврувчилар ўртасида рақамли кўприк яратиш гоёси ҳам иқтисодий жиҳатдан ўта долзарб. Академик кўрсаткичлар ва бўш иш ўринлари онлайн таразда боғланган экотизим меҳнат бозорига ахборот асимметриясини камайтиради, ишсизлик муддатини қисқартиради ва кадрлар сифатини оширади.

Инсон капитали ва меҳнат бозори бўйича белгиланган ислохотлар иқтисодиётни технология ривожлантиришнинг асосий шарти. Агар инновация иқтисодиётнинг “юраги” бўлса, инсон капитали уни ҳаракатга келтирувчи қон томирларидир. Бу иккиси уйғун ривожланмас экан, барқарор ўсиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ошаётган харид қобилияти

Иқтисодий ўсиш фақат ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан эмас, балки унинг аҳоли ҳаётида қандай акс этаяётгани билан баҳоланади. Ички талабни рағбатлантириш, инфляцияни назорат қилиш ва аҳоли даромадини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти аҳолининг харид қобилияти ва бозорлардаги ишончли талабдир.

Иқтисодий назарияга кўра, ички талаб иқтисодиётнинг “ички двигатели”. Экспорт қанчалик муҳим бўлмасин, кенг ва барқарор ички бозорга эга мамлакатлар ташқи шокларга нисбатан анча чидамли бўлади. Келтирилган рақамлар юртимизда айнан шундай ички бозор шаклланаётганини кўрсатади. Аҳолининг харид қобилияти сўнгги йилларда икки баробар ошгани бу жараённинг энг ёрқин далилидир.



Инфляцияни “бир хонали” даражада ушлаб туришга эришилгани макроиқтисодий барқарорлик нуқтаси назаридан муҳим ютуқ. Чунки юқори инфляция, аввало, кам даромадли аҳолини камбағаллаштиради, жамиятда ижтимоий тенгсизликни кучайтиради ва инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Инфляцияни 6-6,5 фоизга тушириш мақсади қўйилгани давлатнинг аҳоли фаровонлигини ҳимоя қилишда қатъий позицияда эканини англатади.

Рағбатлантирувчи энг кучли омиллардан. 2026 йилда ипотекага 23 триллион сўм ресурс




ажратилиши, бошлангич тўлов ва фойзаларни субсидиялаш орқали уй-жой харид қилиш имконияти кенгайтирилиши нафақат ижтимоий, балки иқтисодий самара ҳам беради. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ ўнлаб тармоқлар: қурилиш материаллари, мебел, электр техникаси, тўқимачилик ва сервис хизмати фаоллашади. Бу эса иқтисодиётда мультипликатив таъсирни кучайтиради.

Беш йил олдин 210 мингта квартира харид қилинган бўлса, бу йил 270 мингта уй сотиб олингани аҳолининг реал даромадлари ошганидан далолат беради. Шунингдек, автомобиль бозоридagi ўсиш ҳам истеъмол талабининг жадаллашганини кўрсатади. Бу жараёнлар фақат истеъмолни эмас, балки ишлаб чиқаришни ҳам рағбатлантиради.

Истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш, уларни мақсадли ва оқилона йўналтириш сиёсати ҳам ички талабни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. 2026 йилда 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратилиши бозорларда айланмани кучайтиради, бизнес учун янги имкониятлар яратди. Бироқ бу жараён инфляция хавфини оширмаслиги учун молиявий интизом ва макроиқтисодий назорат кучли бўлиши шарт.

Хизматлар соҳаси аҳоли фаровонлиги билан тўғридан тўғри боғлиқ иқтисодий сегментдир. Бу йил хизматлар ҳажмининг 82 миллиард долларга етгани ва 2026 йилда 100 миллиард доллардан оширилиши режалаштирилаётгани иқтисодиётнинг янги драйвери шаклланаётганини англатади. Таълим, тиббиёт, туризм, транспорт ва маиший хизматларга талаб ошгани жамиятда турмуш сифати яхшиланиб бораётганидан далолат.



Туризм соҳасида белгиланган йирик инфратузилма лойиҳалари: Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги мажмуаларни ривожлантириш ички ва ташқи талабни бир вақтинг ўсида рағбатлантиради. Сайёҳлик хизматлари нафақат валюта тушуми, балки маҳаллий аҳоли учун минглаб янги иш ўринлари демакдир.

Ички талаб, инфляция ва аҳоли фаровонлиги ўртасидаги мувозанатни сақлашга қаратилган сиёсат иқтисодий ўсишнинг ижтимоий мазмунини таъминлайди. Иқтисодий рақамлар ортида инсон, оила ва маҳалла фаровонлиги тургани ушбу ёндашувнинг асосий гоёси.

Экологик мувозанат

XXI асрда иқтисодий ўсишни фақат sanoat қувватлари ёки инвестиция ҳажми билан ўлчаш даври тугаб бормоқда. Бугун ривожланган давлатлар иқтисодий тараққиётни экологик барқарорлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва келажақ авлодлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан уйғун ҳолда олиб бормоқда. Мурожаатномада экология ва “яшил” иқтисодиёт масалаларига кенг ўрин берилгани Ўзбекистон ҳам глобал тараққиётнинг айнан шу йўлини танлаганини кўрсатади.

Экологик муаммолар, айниқса, иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва сув танқислиги каби масалалар иқтисодиёт учун ҳам жиддий хавф. Чунки экологик деградация меҳнат унумдорлигини пасаитиради, соғлиқни сақлаш харажатларини оширади ва инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода, белгиланган экологик ислохотлар фақат табиатни муҳофаза қилиш эмас, балки



иқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳам қаратилган.

“Яшил” энергетика соҳасида сўнгги беш йилда 6000 мегаваттлик қувватлар ишга туширилгани, умумий генерацияда қайта тикланувчи энергия улушининг 30 фоизга етгани тарихий ютуқдир. Бу натижалар нафақат энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки ташқи энергия ресурсларига қарамликни камайтиришга хизмат қилади. Қайта тикланувчи энергияга ўтиш узоқ муддатда давлат бюджетига ва тўлов баланси учун ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат, “яшил” энергия ҳисобига 7 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши ва ҳавога 11 миллион тонна зарarli моддалар чиқишининг олди олиниши ҳақидаги прогнозидир. Бу рақамлар экология ва иқтисодиёт ўртасидаги тўғридан тўғри боғлиқликни яққол намоеён этади. Газни тежаш экспорт салоҳиятини ошириш, зарarli чиқиндиларни камайтириш эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш демакдир.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи эса стратегик аҳамиятга эга. Дунёда сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда сув тежовчи технологияларни жорий этиш иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Мурожаатномада 5,5 миллиард долларлик дастур доирасида сувни тежайдиган технологиялар қамровини 61 фоизга етказиш, йилга 2,5 миллиард куб метр сув тежаш режалари белгиланди. Бу рақамлар аграр иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда ҳам қилувчи аҳамиятга эга.

Ирригация тизимини модернизация қилиш, каналларни бетонлаш ва ёпиқ дренаж тизимларига ўтиш орқали сув йўқотишларни

камайтириш ҳам иқтисодий самарадорликни оширади. Қўшимча экин майдонларининг очилиши, кафолатли сув таъминоти қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади. Бу эса озик-овқат хавфсизлиги ва экспорт салоҳияти учун муҳим омилдир.

Шаҳар экологияси масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам жуда муҳим. Автомобиллар чиқараётган зарarli моддаларга қараб экологик стикерлар жорий этиш, эски транспорт воситаларини алмаштиришни рағбатлантириш, жомаот транспортини ривожлантириш — буларнинг барчаси шаҳарларда яшаш сифатини яхшилашга қаратилган чоралар. Тирбандлик ва ҳаво ифлосланиши камайтган шаҳарлар инвестор ва сайёҳлар учун ҳам жозибдор бўлади.

Экология соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига стратегик ёндашув таклиф қилинмоқда. Ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумларни ташкил этиш, экология менежерлари тайёрлаш янги меҳнат бозори сегментининг шаклланаётганини англатади. Иқтисодий нуқтаси назардан, бу “яшил” иқтисодиётда қўшимча қиймат яратиш, инновация ва хизматлар бозорини кенгайтириш имконини беради.

Экология ва “яшил” иқтисодиётга қаратилган сиёсат тараққиётнинг янги парадигмасини белгилаб бормоқда. Бу парадигмада иқтисодий ўсишга табиатни асраш, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш ва келажақ авлодлар олдидаги масъулият билан уйғун ҳолда қаралади.

Фаол, очик ва прагматик ташқи сиёсат

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳеч бир мамлакат ташқи дунёдан айри ҳолда барқарор ривожлана олмайди. Айниқса, очик иқтисодиёт йўлини танлаган, экспорт ва инвестицияга таянаётган давлатлар учун ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия ички ислохотлардан кам аҳамият касб этмайди. Мурожаатномада ташқи сиёсат масалаларига кенг ўрин ажратилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли мутлақо янги босқичга кўтарилгани тасдиқланди.

Кейинги йилларда ташқи сиёсатда очиклик, прагматизм ва ўзаро манфаат тамойилларига асосланган йўл изчил давом эттирилмоқда. Бу сиёсатнинг иқтисодий самараси аниқ рақамларда намоеён бўлмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажмининг кескин ошиши, экспорт географиясининг кенгайиши ва халқаро рейтингларда мамлакат обрўсининг юксалиши айнан иқтисодий дипломатиянинг самарали эканини кўрсатади.

Марказий Осиёда интеграция жараёналарини янги босқичга олиб чиқиш ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Минтақа давлатлари ўртасида чегара масалаларининг ҳал этилиши, савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашиши, қўшма инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳудуд барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иқтисодий нуқтаси назардан, интеграция ички бозорни кенгайтиради, логистика харажатларини камайтиради ва инвестициялар учун катта ҳудудий бозор яратди.

Озарбайжоннинг Марказий Осиё ҳамжамияти форматига тўлақонли азё сиёсатига қабул қилиниши ҳам геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан тарихий қарордир. Бу қадам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида транспорт, энергетика ва савдо йўналишларида янги имкониятлар очди. “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” йўналишларидаги транзит салоҳиятини ошиши Ўзбекистонни минтақавий логистика хабига айлантириш стратегиясига мос келади.

Европа Иттифогига билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши иқтисодий дипломатиянинг яна бир муҳим ютуғидир. Бу ҳужжат савдо режимини либераллаштириш, техник стандартларни яқинлаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Европа бозорига чиқиш имкониятларининг кенгайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун сифат ва рақобатбардошликни оширишга туртки беради.

АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа етакчи давлатлар билан стратегик шерикликни чуқурлаштириш ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Токио, Брюссель, Санкт-Петербургдаги саммит ва учрашувлар натижасида эришилган келишувлар таълим, тиббиёт, рақамли технологиялар, инфратузилма ва sanoat соҳаларидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Иқтисодий дипломатиянинг муҳим жиҳати халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиқдир. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби тузилмалар билан амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишда муҳим ресурслардир.

Шу билан бирга, ташқи сиёсатнинг муваффақияти ички барқарорлик ва қонун устуворлиги билан бевосита боғлиқ. Тинчлик ва хавфсизлик таъминланган мамлакатта инвестиция ҳам келади, туризм ҳам ривожланади.

Ташқи сиёсатта оид қарашлар иқтисодий манфаатлар билан чамбарчас боғланган прагматик ёндашувдир. Ўзбекистон ташқи сиёсат орқали ўз миллий манфаатларини илгари сурди, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва глобал жараёнларда муносиб ўрин эгаллаш йўлидан бормоқда.

Мурожаатнома янги Ўзбекистонни даромади ўртадан юқори бўлган, технологик ривожланган, ижтимоий адолатли ва маънавий барқарор давлат сифатида шакллантиришга қаратилган тарихий дастур. Унинг муваффақияти эса фақат давлат органлари ёки парламент эмас, балки бутун халқимиз билан боғлиқ.

Биз бирлашиб ҳаракат қилсак, билим, меҳнат ва масъулиятга таянсак, Мурожаатномада белгиланган улкан марралар, албатта, рўёбга чиқади. Янги Ўзбекистон орзу эмас, биргаликда қурилаётган реал тараққиёт йўли.



СИФАТ

– БИРЛАМЧИ ТАЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ БОЗОРЛАРНИНГ БАРҚАРОР ЭКСПОРТЁРИГА АЙЛАНМОҚДА

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Экспортда бир марталик сон эмас, барқарор ўсиш кўрсаткичлари муҳим. Яъни йирик харидорга бир марта маҳсулот етказиб беришдан кўра, доимий бозорларнинг барқарор ҳамкорига айланиш манфаатлироқ. Бунда ўзаро ишончнинг ўзи камлик қилади. Халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун харидор талабига мос, сифатли маҳсулотни ҳамма мавсумда узлуксиз етказиб бериш зарур.



Бундан бир неча йил олдин мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш, аънавий бозорлардан ташқарига чиқиш учун соҳа олдида барқарор етиштириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилган. Шунга яраша қатор ислохотлар ўтказилди, аниқ сайёҳаракатлар бажарилди. Натижада Ўзбекистон ўтган йили бир қанча хорижий давлатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи барқарор экспортёрлар қаторидан жой олди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Ўзбекистоннинг мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти қиймати илк бор 3,2 миллиард долларга яқинлашди. Бу салкам 141 фоиз ўсиш дегани. Юртимизда етиштирилган маҳсулотлар қўшимча 18 та янги бозорга кириб бориб, экспорт географиямиз 89 давлатга етди. Янги импортёрлар қаторига Гватемала, Эквадор, Миср, Словения, Дания, Малайя каби давлатлар қўшилган. Экспорт қилинган мева-сабзавотлар тури эса 110 дан ошди.

Ган факат рақамларда эмас. Сон билан бирга сифат ҳам ошиб бораётти. Экспортда бу энг муҳим жиҳатлардан бири бўлгани ҳолда кейинги йилларда юртимизда айтилган йўналишда аниқ ва тизимли ишлар бажарилаётган. Жаҳон бозорига маҳсулотнинг сифатини қадоқлашнишга, хусусан, халқаро стандартларга мослиги каби ҳар бир жиҳат аниқ мезонлар асосида ўлчанади. Ана шу талабларга жавоб бериш экспорт ҳажмини ошириш баробарида миллий брендини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қилинаётган ишлар кўлами эса анча кенг. Аввало, тупроқнинг экинга тайёрлашдан экспортбоп маҳсулот етиштиришгача бўлган жараёни қамраб олган тизим яратилган.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори Иброҳим ЭРГАШЕВ билан суҳбатимиз жаҳон озиқ-овқат бозоридида асосий талаблар, сифат стандартларига мослиқ, мамлакатимиз экспорт ҳажмини ошириш йўналишида қилинаётган ишлар ва бу борада асосий вазифалар хусусида бўлди.

— Жаҳон бозорига экспорт талабларининг тобора ошиб бораётгани озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи билан ҳам боғлиқ. Глобал экологик хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда маҳсулотлар сифатига талаб ортаётгани табиий ҳол. Дунё аҳолиси экологик тоза маҳсулот истеъмол қилишга интиляпти. Натижада импортёр давлатлар озиқ-овқат, хусусан, мева-сабзавотларни харид қилишда фитосанитар хавфсизлик талабларига жиддий эътибор қаратяпти, — дейди И.Эргашев. — Биз энди қўёшли ўлкамизда пишиқ етилмаган мева-сабзавотларнинг жуда мазали, табиий эканини айтиш билангина харидорларни ишонтира олмаймиз. Ваҳоланки, йиллар давомида шунинг ўзи билан чекланганимиз боис, кўшни аънавий бозорлардан ташқарига чиқа олмадик. Бугун эса, аввало, ўзимизга талабларимиз ўзгарган. Маҳсулотлар сони ва сифатини ошириш билан бирга уларни халқаро стандартларга мослаштириш, жаҳон бозорига миллий брендинимиз кенг ёйишга интиляпти. Бунинг учун ҳар бир жиҳат — тупроқ сифатидан тортиб, маҳсулот экспорт қилингунга қадар бўлган жараён халқаро талаблар асосида бажариляпти. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш, маркировкалаш ва халқаро стандартлар асосида экспорт қилишда тақрибамиз ошиб бормоқда. Биз бу механизмни жорий этиб, унга мослаштишга эришдик. Энди буларни фақат такомиллаштириб бормиз.

Президентимизнинг тегишли қарорига биноан 2021 йилда ташкил этилган Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги олдига қўйилган асосий вазифалар ҳам шулардан иборат. Ўтган даврда ташкилот фаолияти йўналиши кенгайиб, зиммасига янги вазифалар юкланди. Бугун агентлик ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сисъати ва назоратини юритувчи давлат бошқаруви органидир. Ташкилот таркибиде агентликнинг ҳудудий бошқармалари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Республика агрокимёвий таҳлил маркази, “Биосифат” республика маркази фаолият юритиб келмоқда.

Уларда маҳсулотлар сифати текширилиб, тегишли фитосанитар сертификати ва карантин рухсатномалари берилади. Шу билан бирга, агентлик ўсимликлар карантинидидаги маҳсулотлар турлари, уруғликлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа

материалларни карантин текшируви ҳамда лаборатория экспертизасидан ўтказиш; уруғликлар, ўсимликлар, ўсимлик хомашёси, бошқа ўсимлик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (халқ истеъмоли товарлари)ни мамлакат ичида ташиш, экспорт қилиш учун олиб чиқишнинг карантин қоидалари ҳамда улардан фойдаланиш

“Тизим тўлиқ рақамлашиб бораётгани ҳам экспорт жараёни тез ва сифатли йўлга қўйишга хизмат қияпти. Масалан, ўтган йили агентликнинг “E-fito.uz” ахборот тизими Божхона қўмитаси электрон платформаси билан интеграция қилинди.

шартларини тасдиқлаш; мамлакатимиз учун ўсимликлар карантиниде бўлган зарарли организмлар, четдан киритилиши мумкин бўлмаган экиш материаллари, ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар, республикамиз ҳудудидан олиб чиқиши мумкин

ҳолда, бу импортёрнинг ишончига путур етказиш баробарида миллий брендга доғ бўлиб тушади ҳамда экспорт ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Чунки экспорт бир корхона ёки шахсининг эмас, балки мамлакат манфаатини ифодалядиган муҳим жараёндр.



бўлмаган ўсимликлар карантинидидаги маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш; зарарли организмларга қарши курашнинг биологик усулини кенг қўллаш чораларини кўриш каби кўплаб вазифаларга ҳам масъул.

Халқаро тартиб-тамоийларга асосан Ўзбекистондан экспорт қилинадиган маҳсулотлар, аввало, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳузуридида Марказий фитосанитария лабораторияси ва лабораториянинг ҳудудий филиалларида экспертизадан ўтказилади. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур лаборатория халқаро аккредитациядан ўтган бўлиб, тузилма тақдим этадиган хулосалар асосида мева-сабзавотлар экспорт қилинади. Марказ энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бугун 6 йўналишдаги фитосанитария экспертизаларини ўтказиш, ўсимликларнинг барча йўналишида касаллик ва зараркуналдарни аниқлаш имконияти мавжуд. Масалан, помидор ва бўлғор қалампирни узлуксиз равишда 8 соат давомида ПЗР текширувидан ўтказилади ва ижобий натижа кўрсатсагина экспортга рухсат этилади. Ўтган йили лабораторияда импорт қилинган маҳсулотлар бўйича 324,8 мингта экспертиза ўтказилди. Шундан 940 ҳолатда 27 турдаги карантин объектлари аниқланиб, хавфли зарарли организмлар кириб челишининг олди олинди ва тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, 2025 йилда 9 давлатга 39 турдаги маҳсулот экспорти учун фитосанитар рухсатномалари олинди. Натижада фитосанитар рухсатномалар сони 647 тага етди. Яъни экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати текшириляч, уларга тегишли халқаро сертификат берилади. Шундан кейингига хорижга чиқарилади.

Боиси, экспортга тайёрланаётган маҳсулот фитосанитар хавфсиз, турли касаллик ва зараркуналдардан холи бўлиши лозим. Акс



ва кредитлар тизимини соддалаштириш бўйича янги механизмлар жорий этилди. Мева-сабзавот экспорти билан шугулланувчи корхоналарга қатор имтиёз ва енгилликлар берилди. Масалан, маҳсулотни замонавий қадоқларда экспорт қиладиган корхоналар учун фойда солиғи 15 фоиздан 1 фоизга туширилди. Уларнинг ҳодимлари учун қўлланадиган 12 фозил ижтимоий солиқлар ҳам 1 фоизга қисқартирилди. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳоли томоққалари, деҳқон ва фермерлардан йиғиб, саралаб, замонавий қадоқлаб, экспорт қилган корхоналарга ҳар бир қадоқнинг 3000 сўмдан ошмаган қисми қоплаб берилиши тартиби жорий этилди. Фаолиятида халқаро стандартларни қўллаган тадбиркорлик субъектларининг эса сертификат олиш харажати тўлиқ қоплаб берилмоқда. Буларнинг барчаси экспортёр корхоналарнинг солиқ юкламаси камайиб, маблагни тежаш ва даромади ошишига хизмат қияпти.

Мамлакатимиз бўйлаб қиймати 34 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ САЛКАМ 2 МИЛЛИОН ТОННА ҚУВВАТГА ЭГА, қадоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 27 та лойиҳа ишга туширилди. Махсулот етиштирувчи, йиғувчи, тайёрловчи ҳамда экспортчилар иштирокида 388 та қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил қилинди. Органик сертификатга эга ЭКИН МАЙДОНЛАРИ 13 МИНГ ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛДИ.

Умуман, ўтган йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги учун ҳам масъуляти, сермизмун ва самарали кечди. Йил давомида мамлакатимиз фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш, даладар четидан самарали фойдаланиш,



экспортёр тадбиркорлар фаолиятини давлат кўмагида ривожлантириш, қадоқланган маҳсулотлар экспорти орқали тўлов қобилияти юқори давлатларга Ўзбекистон маҳсулотларини олиб чиқиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар бажарилди.

Мамлакатимиз бўйлаб қиймати 34 миллион доллардан ортиқ салкам 2 миллион тонна қувватга эга, қадоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 27 та лойиҳа ишга туширилди. Махсулот етиштирувчи, йиғувчи, тайёрловчи ҳамда экспортчилар иштирокида 388 та қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил қилинди. Органик сертификатга эга экин майдонлари 13 минг гектарга етказилди.

Тизим тўлиқ рақамлашиб бораётгани ҳам экспорт жараёни тез ва сифатли йўлга қўйишга хизмат қияпти. Масалан, ўтган йили агентликнинг “E-fito.uz” ахборот тизими Божхона қўмитаси электрон платформаси билан интеграция қилинди. Бу орқали мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти статистикасини улар етиштирилган ҳудуд бўйича шакллантириш механизми ишга туширилди. Шунингдек, 52 минг 273 та фермер хўжалигида “Дала дафтра”ни юритиш тизими йўлга қўйилди.

Асосий натижалар юртимиз мева-сабзавоти экспорти ҳажмида яққол кўзга ташланмоқда. Бу йўналишда экспорт географиямиз 89 давлатга етиши баробарида,

тузилмасини ривожлантиришни давом эттириш зарур. Энг муҳим талаблардан яна бири эса фитосанитар хавфсизликни таъминлашдир. Шу сабабли 2026 йилнинг мева экспорти мавсумига ҳозирдан тайёргарлик бошлаб юборилган. Ахир, Жанубий Кореяникидек талабчан бозорларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ортиши мева-сабзавотларни етиштириш, қадоқлаш, маркировкалаш борасидаги талабларни янада кенг жорий этишни тақозо қилади.

Экспорт ҳажмининг ортишида халқаро кўргазмаларнинг ҳам ўрни катта. Авваллари тадбиркорларимизнинг бундай кўргазмаларда иштирок этиши бир машаққат бўлса, у ерда ҳамкорлар топиш янада мураккаб эди. Ҳозир эса, аксинча, бундай халқаро кўргазмалар айнан янги ҳамкорлар топишда зарур майдонга айланган. Шу боис, маҳаллий тадбиркорларнинг улардаги иштирокини давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватляпти.

Ўтган йили биргина Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги кўмагида 200 га ақин экспортчи корхона вакиллари халқаро кўргазмаларда иштирок этди. Турли давлатларда ташкил этилган “Ўзбекистон маҳсулотлари” савдо ярмаркалари доирасида 150 дан ортиқ экспортёр жами 23,5 миллион долларлик экспортди келишувларга эришди. БАА, Швеция, Малайзия, Япония, Мўғулистон каби давлатларнинг йирик савдо тармоқларида узум, анор, қовун, олхўри, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавотларнинг доимий сотувчи йўлга қўйилди.

— Ўзбекистон 2026 йилда Жаҳон савдо ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишни мақсад қилган. Бу янада катта бозор сари йўл дегани. Шу билан бирга, маҳсулотларимиз экспортда халқаро талаблар янада қатъийлашади. Бунга мослашиш бўйича, умуман, жорий йилда ушбу йўналишда қандай вазифалар белгилаб олинган?

— 2030 йилгача мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти қийматини 10 миллиард долларга етказишдек юқори марра-ни қўзлаганимиз. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда олдимизга қўйилган вазифалар ҳам, қўзланган марралар ҳам ниҳоятда салмоқли. Аввало, мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини 140 фоиздан оширишни бошланғич мақсад қилганимиз. Боиси, ЖСТга аъзолик бу қутилмани янада ошириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам экспорт географиясини кенгайтириш ва янги бозорларга чиқиш ишлари фаол давом эттирилади.

Экспортда юқори натижани таъминлаш ҳосилдорликни ошириш билан боғлиқ. Шу боис, жорий йилда юртимиз қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш, дала четлариде ҳам иқлимга мос олча, олхўри каби меваларни етиштириш режалаштирилган. Қолаверса, 4,3 миллион гектар ерда дала назорати мониторингини ўтказиш, 731 минг гектар майдонда агрокимёвий картограмма ишлаб чиқиш, пестицид ва минерал ўғитларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий қилиш ишлари бошқалаб юборилган.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларининг давлат рўйхатидан ўтмаган кимёвий воситаларни қўлла-маслиги бўйича янги тартибни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш, хусусий секторнинг зарарсизлантириш (фумигация) тадбирларини амалга ошириш тартибни тасдиқлаш каби қатор амалий вазифалар ҳам белгиланган.

Бу вазифалар жаҳон стандартларига мосланган бўлиб, уларнинг айнан халқаро талаблар билан ўйналганига алоҳида эътибор қаратилди. Боиси, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш учун имконият тақдим этиши билан бирга янги тартиб-таомилларни жорий этишни тақозо қилади. Лаборатория текширувлари, сифат назорати ва бошқалар шулар жумласидан.

Шу боис, янги жорий этилган ана шундай тартиблардан бирига кўра, 2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистондан экспорт қилинаётган барча турдаги қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, жумладан, қуритилган маҳсулотлар “Certificate of Analysis” (CoA) таҳлиладан ўтказилиши талаб этилади. Мазкур талаб Ўзбекистондан Европа Иттифоқи давлатлари бозорига экспорт қилинаётган маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан “Atyab International Services” ҳамда “Control Union” халқаро лабораторияларини жалб этган ҳолда жорий қилинмоқда.

“Atyab International Services” озиқ-овқат хавфсизлиги, лаборатория таҳлилари ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилот бўлиб, Европа ва Яқин Шарқ бозорлари учун қабул қилинадиган таҳлил натижаларини тақдим этади. “Control Union” эса 100 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритувчи, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳасида халқаро стандартлар асосида сертификатлаш ва лаборатория хизматларини кўрсатувчи нуфузли ташкилот.

“Certificate of Analysis” таҳлили эса пестицид қолдиқлари, оғир металллар, маҳсулотнинг микробиологик хавфсизлиги ҳамда бошқа муҳим техник ва санитар кўрсаткичлар бўйича текширади. Янги механизм экспортдан олдин маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва импорт қилувчи давлатлар регламентларига тўлиқ мувофиқлигини тасдиқлашга қаратилган бўлиб, экспорт жараёнидаги хавф-хатарларни бартараф этиш имконини беради. Натижада экспорт маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифати кафолатланади, экспортчилар молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилинади, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро бозорларда Ўзбекистон маҳсулотларига ишонч мустаҳкамланади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.

Нуктаи назар

Тарбия пойдевори

ТАФАККУР

ЎЗГАРСА,

ИНСОН

ЎЎНГАДИ

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Фазлиддин МЎМИНОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани мамлакатимиз тараққиётида сифат жиҳатидан янги давр бошланганидан далолат беради. Ушбу стратегия мамлакат фаровонлиги ҳар бир инсоннинг сазй-ҳаракати билан узвий боғлиқлиги, фуқаролик жамиятининг ноёб институти маҳалладан бошлаб барпо этилишини англатса, янги йилимиз номидаги “жамият юксалиши” эса илм билан муштараклигини даврининг ўзи кўрсатмоқда.

Дунё аҳли чуқур англаётганидек, энди юртимиз фақат хомашё сотадиган давлат эмас, юқори технологиялар яратадиган мамлакатга айланмоқда. Жаҳоннинг технологик ривожланган давлатлари қаторига киришимиз, фазога биринчи ўзбек космонавтини учуриш режаси ўз-ўзидан рўй бераётган воқеа эмас, янги Ўзбекистон тақдирида юз бераётган ижтимоий трансформация жараёни ифодасидир.

Таълим тизимидаги ислохотлар моҳияти янги мактаблар, олийгоҳлар, ўқув бинолари қурилиши ёки ёшларга замонавий шарт-

шароитлар яратилишида ҳам эмас, миллат генофондини янгилаш, интеллектуал қиёфасини тубдан ўзгартиришда намоён бўлмоқда. Демак, илм-фан келажакимиз эгаларининг чексиз энергияси ва эртаси экан, томиримиздаги қон каби онгимизда, шууримизда маъж урмоғи, юракдай гулпилаб ишламоғи, олаётган ҳар бир нафасимиз мисоли янгиланмоғи зарур. Шу боис, Мурожаатномада таълим масаласига алоҳида урғу берилган. Президентимиз таъкидлаганидек, биз бүгун 38 миллион нуфусли улкан халқимиз ва энг катта бойлигимиз олтин ёки нефть эмас, балки инсон капиталидир. Сўнгги йилларда таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар шу капитал ўсиб бориши учун қўйилаётган катта сармоя, десак айни ҳақиқат.

Ўтган йили олийгоҳларда таълим олаётган талабалар сони 1,7 миллиондан ошиб, абитуриентларга қўшимча яна 5 та таълим йўналишини танлаш имконияти яратилди. Дунёнинг етакчи 1000 университети қаторига кирган олийгоҳларимиз сони 3 тага етди. ЮНЕСКОнинг Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияси ратификация қилинди. Бу эса миллий кадрларнинг 30 дан ортқ мамлакат меҳнат бозорига дипломи билан бемалол кира олишини таъминлайди. Шунингдек, нуфузли ОТМларнинг 500 талиги рўйхатига кирган университетлар билан ҳамкорликда 17 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Жумладан, Жиззах политехника институтининг Венгриянинг Обуда университети бошқарувига берилиши ҳамда Япониянинг Сукуба миллий университети билан бирга янги ОТМ ташкил этилиши ўқитиш сифатини халқаро стандартларга мослаштиришда илк таъриба бўлади. Аниқ фанлар ва техника йўналишида таълим бериладиган бошқа олийгоҳларга ҳам энг нуфузли университетлар жалб қилинади.

Шу қизгин жараёнда 4000 дан ортқ профессор-ўқитувчимиз хорижга малака ошириш ва стажировка учун юборилди. Ўз навбатида, чет эллик 2500 мутахассис



миллий таълим жараёнига жалб этилди. 72 талабамиз халқаро фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллади. Мамлакатимизда илмий инновациялар тараққий этиб бораётгани илмий тадқиқотлар кўламида ҳам акс этмоқда. Хусусан, 2025 йилда 5000 дан ортқ диссертация ҳимояси ўтказилиб, илмий даражали педагоглар улуши 50 фоизга етди. Илмий лойиҳаларга ажратилган маблағ эса кейинги 8 йилда 2,5 баробар оширилди.

Бу ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон мамлакатлар инновацион ривожланиш тенденциясини белгилаб берадиган “Глобал инновацион индекс” рейтингига 79-ўринни эгаллади. Худудлардаги ёшлар технопарклари сони 13 тага етказилиб, уларга 15-30 ёшли 70 мингдан ортқ инноватор қамраб олинди. Натижада 2000 ёш муҳандис 25 дақиқада 1946 та робот ясаб, тарихий натижами қайд этиди.

Шунингдек, бу йил “Келажак муҳандислари” халқаро фестивали доирасида Тошкент шаҳрида илк бор ШХТга аъзо давлатлар ёшлари ўртасида муҳандислик йўналишида халқаро олимпиада ўтказилди. “Рақамли стартаплар” дастури кенгайтирилиб, стартап гоёсидан экспортга кўмаклашадиган янги тизим йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Марказий банкда Финтех офиси ва Инновацион хаб ташкил этилиб, унга Сингапурдан мутахассислар жалб қилинади. Натижада йилига 15-20 та финтех стартапни ташқи бозорга олиб чиқиш, уларга жами 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш имконияти яратилди.

Янги Ўзбекистон тарихида илк бор сунъий йўлдошимизни учуриш ва биринчи ўзбек космонавтини фазога йўллаш бўйича ишларнинг бошланиши таълим ва илм-фан парвози палласи яқинлашиб келаётганидан далолат. Бу фақат технологик ютуқ эмас, мамлакат ёшларига бидирилган ишонч ҳамдир. Бунга қандай эришилади? Албатта, шу илмнинг эгалари бўлган, етук кадрлар — ёшлар шижоати билан. Бунинг учун эса навқирон авлод вилларига барча шароит ва қулайлик яратиб берилмоқда.

Ҳабиб АБДИЕВ, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори

Таълим тизимидаги ислохотлар бүгун долзарб паллага кирди ва янги Ўзбекистон йўлининг ёрқин мезонларидан бирига айланди. 2017 йилда мамлакатимизда 5211 та боғча фаолият юритган бўлса, бүгун уларнинг сони 19 минг 316 тага етди. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида оилавий боғчалар ташкил этилиши ва бу соҳага кўплаб имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори соҳани янада юксалтиришда муҳим дастуриламал вазифасини бажармоқда. Маълум ҳужжатда таъкидлаганидек, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш ва босқичма-босқич изчил ривожлантиришдан мақсад болаларни мактабга сифатли тайёрлаш, энг муҳими, соҳадаги ислохотларни кенг қамраб олиб, устувор натижаларга эришишдир. Бу борада Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Ёш авлодни янги Ўзбекистоннинг муносиб, фидойи фарзандлари қилиб тарбиялаш ўқитувчилар ҳамда тарбиячиларнинг шарафли вазифасидир.

Ўтган йил 15 май куни мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида мактаб таълим тизимини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда таъкидлаганидек, сўнгги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ етти баробар оширилган.

“Мактабгача таълим ташкилотларида 3-7 ёшли болалар орасида соғлом турмуш тарзи, хавфсиз ҳаёт, тўғри овқатланиш маданияти асосларини шакллантириш мақсадида “Саломатлик алифбоси” дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

2025 йилда ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида соҳага 60 триллион сўм ажратилиб, мактаблардаги ўқув ва тарбия ўринлари бир миллионга, боғчаларда эса 1,5 миллионга яқинлашди. Жорий йилдан бошлаб мактаб директорлари, ўринбосарлари билан бир қаторда боғча раҳбарларининг ҳам иш ҳақи оширилади.

Тизимда фаолият юритаётган 38 минг 900 та мактабгача таълим ташкилотларида болаларга қизиқарли ўйинлар асосида берилаётган сабоқлар илм дунёсининг янги-янги эшикларини очмоқда. Масалан, мактабгача таълимини кенгайтириш ва болаларни инновацион усуллар билан ўқитишга асосланган “Ақлвой” ижтимоий лойиҳасини таҳлил қилиб кўрайлик. Унинг доирасида мактабгача таълим ташкилотлари етишмайдиган худудларда болажонларга қувонч ҳаёда этиш мақсадида мобил боғча хизмати йўлга қўйилди.

Бүгун 102 та автобус 216 та маҳаллага бориб, 9500 ўғил-қизни билимларнинг сирли ва мўъжизавий олами сари етаклаётгани қувонарли воқеа, албатта. Бу ташаббус малака ошириш ҳамда билимнинг илк пойдеворини қўйишда муҳим аҳамият касб этиб, мобил автобуслар орқали бошланғич таълимнинг дастлабки сабоқларини ўқитишда тарбиячилар учун ишончли таянч ва самарали ёрдамчи бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Шунингдек, 50 та “Илк ривожланиш маркази” 5200 кичкинтойнинг ҳаётида янги саҳифа очиб, уларнинг тафаккурини янги билим ва тушунчалар билан бойитиб бормоқда. “Илк қадам” давлат таълим дастури ЮНИСЕФ, Сингапур, Буюк Британия олий ўқув юртлири,

хусусан, Кембриж университети тажрибаси асосида янада такомиллаштирилди.

1746 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Турон кичкинтойлари” театр жамоалари ташкил этилди. Улар болаларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, фикрлаш қобилиятини ошириш, нутқ маданиятини шакллантириш, кичик, болаларбоп саҳна асарларини намойиш этишда катта имкониятлар эшигини очди.

Ҳозир каттаю кичикда экологик тушунча ва маданиятни шакллантириш долзарб масала бўлиб турибди. Ушбу кечиктириб бўлмас вазифани амалга ошириш мақсадида 3385 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида “экологик йўлақча” ва “экологик бурчак”лар ташкил этилган ва табиати асраб-авайлаш ҳақида сабоқлар берилаётганини эътироф этиш мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларида 3-7 ёшли болалар орасида соғлом турмуш тарзи, хавфсиз ҳаёт, тўғри овқатланиш маданияти асосларини шакллантириш мақсадида “Саломатлик алифбоси” дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Бүгун “Янги авлод” боғчаларини ташкил этишга жадал киришилди. Улар давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, илгор хорижий таъриба асосида турфа ақлий ўйинларга асосланган таълим-тарбия жараёнини амалга оширади. Келажакда “Янги авлод” боғчалари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида тарбиячи-педагоглар ва соҳа мутахассислари учун махсус қўланмалар ҳамда “Янги авлод” энциклопедиясини фундаментал илмий-оммабоп нашри ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Президентимиз ўтган йили ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган табригида “Ҳаммамизга аёниқ, келажак — замонавий билим билан қуролланган касб-хунар эгалариникидир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис, ёшларимизни давр билан ҳафнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак”, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув ўқитувчи ва мураббийларнинг фаолияти мезонига айланди. Чиндан ҳам биз таълимини ўзгартирсак, таълим инсонини ўзгартиради. Инсон ўзгарса, бутун жамият ўзгаради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мактабгача таълим ва умуман, ўқитиш тизимидаги изчил ислохотлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Шунингдек, ёш тоифалари бўйича миллий тарбия модели яратилди. Болалар замонавий компетенцияга эга мутахассис, миллий қадриятларга содиқ инсон этиб тарбияланди.




Исломиддин АБРОВОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Бугунги глобаллашув ва тобора авж олаётган кескин рақобат шароитида мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланиши учун юқори малакали, замонавий касб ва компетенцияларга эга кадрлар тайёрлашга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида касбларни ривожлантириш ҳамда янги меҳ-

“Менинг келажакдаги касбим” дастурига мувофиқ мактаб маслаҳатчилари 7-9-синф ўқувчиларининг касбий қизиқиши, қобилияти ва иқтидорини аниқлаб, академик таълим ёки касб-хунарга йўналтиради.

ҚИЗИҚИШДАН ҲУНАРГАЧА



ва меҳнат соҳаларига қизиқиши ривожлантирилади. Шу билан бирга, “Менинг келажакдаги касбим” дастурига мувофиқ мактаб маслаҳатчилари 7-9-синф ўқувчиларининг касбий қизиқиши, қобилияти ва иқтидорини аниқлаб, академик таълим ёки касб-хунарга йўналтиради. Ўқувчиларнинг қизиқишига оид маълумотлар асосида шахсий тасвия ишлаб чиқилади ҳамда ота-оналар билан муҳокама

қилинади. 2028 йилдан бошлаб техникумга йўналтириш 9-синф якуни бўйича ўтказиладиган имтиҳон натижасига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистонда глобал рақобат, технологик инқилоб ва мураккаб геосиёсий жараёнлар даврида халқаро майдонда нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Шу маънода, меҳнат бозори таҳлилига асосланган касблар классификаторини мунтазам янгиллаб бориш, таълим муассасалари, педагогларни қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали илгор тажрибаларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, касбий таълим, аввало, малакали кадрлар билан таъминлашда қўл келади.

Ҳар бир инсоннинг қалбида, энг аввало, ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббат ва ҳурмат мавжуд. Бу хислар нафақат тарихий меросни, балки келажакка бўлган масъулиятни ҳам ўз ичига олади.

14 ЯНВАРЬ – Ватан ҳимоячилари куни

ЎЗБЕКИСТОН – ОТАЖОН, ЎЗБЕКИСТОН – ОНАЖОН

Уч минг йиллик машаққат, йўллардан юриб келдик,
Уч минг йиллик қувончини, ғамни ҳам қўриб келдик,
Уч минг йиллик насиба — ризқ-рўзни териб келдик,
Бирлашиб, бир халқ бўлиб, биз Ватан қўриб келдик.
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Тинч турганим хайвондек сузганим кўрган дунё,
Минг йиллик ришталарни узганим кўрган дунё,
Муқаддас рабобларни бузганим кўрган дунё,
Паҳлавон туркий улус тузганим кўрган дунё,
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Ватан қондир, Ватан — жон, покиза иймон — Ватан,
Азиз боболаримдан мерос бурч-виждон — Ватан,
Муқаддас она тупроқ, мусаффо осмон — Ватан,
Шаксиз, халқ ва армия — бир тану бир жон — Ватан,
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Азалдан, эй она юрт, асл ўғлонларинг бор,
Жасур, қўрқмас, довурак қизларинг — жонларинг бор,
Сарҳадларингда доим сергак посбонларинг бор,
Алпомишдай, Барчиндай марду майдонларинг бор,
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Осмонда порлар офтоб — бошда олтин чамбарак,
Илму тафаккур билан мунавварид келажак,
Қай жойда инсон қадри бўлса азиз, муборак,
Халқлар фаровон яшар, юксалгай Ватан бешак,
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Юксакда ҳилпирайди байроғинг — сўнмас шонинг,
Жондан қиммат истиклол — Тангирим берган имконинг.
Метиндайин бардошинг, олмосдайин иймонинг,
Ватан ва халқни ўйлар Олий Бош Қўмондонинг.
Ўзбекистон — отажон, бургут бўлгин, сор бўлгин,
Ўзбекистон — онажон, Ўзбекистон, бор бўлгин.

Ғайрат МАЖИД



Бунёд МИРЗАЕВ,
Шарқий ҳарбий округ “Шарқ”
десантчилар тайёрлаш базасида
таъминот гуруҳи командири,
III даражали сержант

Бошланиш 1-бетда

Кейинги йилларда десантчилар фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Замонавий парашют тизимлари, машқларнинг янги усул ва услублари амалиётга жорий қилинмоқда. 2015 йилдан буён катта йўриқчи лавозимда хизмат қиламан. Сафимизга қўшилган ёш ҳарбий хизматчиларни сакрашгача бўлган ер машгулотларидан ўтказиб, амалиётга тайёрлаймиз. Дастур машгулотлари тугатганидан кейин уларга парашютчи-десантчи сертификати берилади. Бунда, аввало, номзоднинг вазни меъёрга бўлиши ва у белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Парашют билан сакраш учун одамнинг бўйи 150 сантиметр, вазни эса 50 килодан кам бўлмаслиги керак.

2018 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисимизга таширф буюрганида, ёшларнинг десантчи бўлишга ва парашют билан сакрашга қизиқиши юқори эканини маълум қилдим. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан Шарқий ҳарбий округ “Шарқ”

десантчилар тайёрлаш базасида “Шарқ бургутлари” жамоаси тузилди. Ҳозирги кунда бу гуруҳда 11 нафар аъзо бўлиб, уларнинг 4 нафари қизлар, 7 нафари эса ўғил болалардир.

Машгулотлардаги ҳаракатлар ва интилишларни кузатиб, болалигим ёдимга тушади. Бу соҳани ўрганиш ва касбни эгаллаш учун қуруқ қизиқишнинг ўзи камлик қилади, тинимсиз меҳнат қилиш, руҳан чидамлилиқ, билим ва ҳозиржавоблик катта аҳамиятга эга. Эсимда, илгарилари битта парашют учун икки киши навбат кутардик. Бутун эса ҳар бир болага, шуғулланувчига алоҳида парашют ажратилган, шаронтилар ҳам шунга яраша, ҳамма нарсга бадастир. Қирқ беш соатлик тайёргарлик дарсларимиз мавжуд. Жамоамиз аъзолари ёш бўлишига қарамай, яхши натижалар кўрсатяпти. Қизларнинг кўрсаткичлари ҳам ёмон эмас.

Базамиз фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсам, сафимизга янги қўшилганлар учун 21 соатлик ўқув курсимиз бор. Якка тартибдаги суҳбат ва ўрганишлар, руҳий тайёргарлик ҳамда бошқа бир қанча машгулотлар давомида уларни амалий сакрашга тайёрлаймиз. Шундан кейин сакраш машқлари босқичма-босқич мураккаблашиб боради. Аввал 600 метр, кейин 800, 1000 ва ҳатто 2000 метргача балангликдан сакрашлар ўтказилади. Иланиш ва интилишларимиз бесамаюр кетмаётипти. Россия ва Жазоирда ўтказилган Халқаро армия ўйинларида совриндорлар қаторидан жой олди.

“

Янгиликлар ва янги усулларни, аввало, биз — йўриқчилар синовдан ўтказамиз. Ҳар қандай янгилик ҳар томонлама текширувлар ва хавфсизлик талаблари ҳисобга олиниб, тасдиқдан ўтганидан кейингина шахсий таркиб амалиётга жорий қилинади.

“

Ҳарбиймиз, кийган либосимизга муносиб бўлишимиз керак. Мен жисмоний кўркунни ҳис қилмайман. Аммо елкамизда парашют ҳамда курул билан бирга масъулият ва бурч ҳам бор. Шунини ҳис қилиш ва мардона кўтара олиш керак. Ишончни оқлай олмаслик — ёмон...

Ватанимизнинг Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган катта тадбирда 110 килограмм оғирликдаги юк билан сакраганман. Аммо бу оғирликдан заррача чўчимадим, у сакрашимга ҳам салбий таъсир кўрсатмади. Биласизми, бу қандай юк эди? Бу давлатимизнинг

ҲАР БИРИМИЗ ЮРТ ПОСБОНИМИЗ

Ватан бу — фақат харитада белгиланган ҳудуд эмас, у — она алласи билан қулоққа сингган оҳанг, болалик хотиралари яширинган кўҳна кўчалар, боболар дуоси билан ардоқланган тупроқдир. Инсон ватанини севади. Гоҳ онадек меҳрибон, гоҳ сингилдек беғубор, гоҳ эса ор-номусдек муқаддас деб билади. Ватан қалбда яшайди. Уни сўз билан таърифлаш қийин, аммо ҳимоя қилиш барчамиз учун шарафли бурчдир.

Баҳодиржон
ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фаргона давлат университети
ректори, профессор

Бугун тинч осмон остида яшар эканмиз, бу осийшталик ўз-ўзидан келмаганини англашимиз зарур. Ҳар бир тинч тонг, ҳар бир хотиржам тун ортида фидойилик, жасорат ва масъулият мужассам. Ватан ҳимояси фақат курул тутган қўллар билан эмас, балки ҳушёр тафаккур, пок ният ва садоқат билан амалга ошади. Шунинг учун ҳам “Ватан ҳимояси — ҳар биримизнинг виждоний масъулиятимиз” деган тушунча бугунги кун руҳига айланиб мос келади.

Ана шундай юксак ғоя ва мақсадлар асосида мамлакатимиз бўйлаб 2025 йил 15 декабрдан 2026 йил 15 январга қадар “Миллий армия — она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони” шиори остида “Ватанпарварлик ойлиги” тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай тарғибот тадбирларида Қўролчи кучларимиз, ҳарбийлар, хусусан, Фаргона давлат универ-

ситети жамоаси, унинг ҳарбий таълим факультети ўқитувчи ва талабалари фаол иштирок этмоқда.

Ҳар бир инсоннинг қалбида, энг аввало, ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббат ва ҳурмат мавжуд. Бу хислар нафақат тарихий меросни, балки келажакка бўлган масъулиятни ҳам ўз ичига олади. Ватан ҳимояси фақатгина армия ёки ҳарбий ташкилотлар иши деб ўйлаш нотўғри. Аксинча, ватан ҳимоясига ҳар биримиз масъулмиз. Бугун дунёда, иқтисодий, сиёсий ва ахборот соҳаларида кенг тарқалган таҳдидларга қарши берилаш ва биргаликда курашиш ҳаётий зарурат.

Ватан ҳимояси биргина ҳарбий жангларда иштирок этиш билан чекланмайди. Ҳар бир фуқаро ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда қиладиган ишлари орқали ҳам ватан ҳимоясига ҳисса қўшиши керак. Яхши педагоглар, олимлар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар ҳам ўз меҳнатлари билан ватанига хизмат қилади. Уларнинг фаолияти халқни тарбиялаш, билим бериш, соғлиқни сақлаш ва жамиятни ривожлантиришга қаратилган. Демак, ҳар бир инсоннинг ўз соҳасидаги масъулияти ва фидойилиги ватан ҳимоясининг ажралмас қисми саналади.



Ғурур

Иқтисодий мустақиллик ҳам Ватан ҳимоясининг пойдевори. Агар давлат иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаса, унга ташқи кучлар томонидан таҳдидлар хавфи мавжуд бўлади. Шу боис, иқтисодий ривожланиш ва ўз ресурсларимиздан самарали фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳисобланади. Харидларимиз, ишимиз, ишлаб чиқаришимиз ва истеъмолимиз миллий иқтисодиётимизни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар бунинг ёрқин намунасидир. Жумладан, 2025 йилда ялпи ички маҳсулот

145 миллиард доллардан ошди. Жорий йилда экспорт 20 фоизга оширилиб, 33,4 миллиард долларга етказилди, олтин-валюта захиралари илк бор 60 миллиард доллардан ортади. Бу ютуқлар нафақат ривожланишни, балки Ватан ҳимоясининг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашни кўрсатади, чунки мустақил иқтисодиёт ташқи таҳдидларга қарши энг кучли қалқон. Ватан ҳимоясининг яна бир муҳим соҳаси — ахборот ва маънавият ҳимояси. Ҳозирги кунда ахборот уруши дунёнинг турли бурчакларида давом этмоқда. Янги технологиялар ва ижтимоий тармоқлар орқали нотўғри, манипуляцион ва хатотиклар билан тўла ахборотлар тарқатилмоқда. Бу

ахборотлар фақат давлатлар орасидаги муносабатларни бузиш билан чекланмайди, балки одамлар орасида ўзаро ишончсизлик, нафрат ва ҳасадни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳар бир фуқаронинг масъулияти тўғри, ҳаққоний ахборотлар тарқатиш ва ёлгонларга қарши туришдир.

Ватан ҳимояси нафақат ҳудудий, балки маънавий ва маданий жиҳатдан ҳам амалга

оширилади. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз, тилимиз ва миллий анъаналарга бўлган ҳурматимиз ватан ҳимоясининг мустаҳкам пойдевори. Агар биз ўз маданий меросимизни унутиб, унга нисбатан бефарқ бўлсак, бу нафақат келажакимизни хавф остига қўяди, балки халқимизнинг руҳий барқарорлигини ҳам бузади. Шунинг учун ҳар биримиз тилимизни, тарихимизни, миллий қадриятларимизни сақлашга, ёш авлодга ўргатишга масъулиятли ёндашишимиз зарур. Буларнинг бари мамлакатимиз мустаҳкамлигини таъминлайди.

Ватан ҳимояси нафақат жанговар ҳаракатларни, балки ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ахборот соҳаларида олиб борилаётган ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Зеро, ҳар бир фуқаро эл-юрт олдидаги ўрнини чуқур англаб, жамиятга ҳисса қўшишга олий шарафдир.



ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР
QR-КОДИНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бунама расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:25 Тошпирилди — 22:40